

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТЕМИРХАНОВА МУТАБАР ЖЎРАЕВНА**

**ТУРИСТИК МАҲСУЛОТЛАР ҲИСОБИ ВА**  
**ТАҲЛИЛИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри -2020 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси  
автореферат мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc) по  
экономическим наукам**

**Content of dissertation the abstract of doctor of Science (DSc) on  
economical sciences**

**Темирханова Мутабар Жўраевна**

Туристтик маҳсулотлар ҳисоби ва таҳлилининг методологик асосларини  
такомиллаштириш.....3

**Темирханова Мутабар Жураевна**

Совершенствование методологических основ учета и анализа туристических  
продуктов.....30

**Temirkhanova Mutabar Juraevna**

Improving the methodological framework for accounting and analysis of tourism  
products.....57

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....61

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТЕМИРХАНОВА МУТАБАР ЖЎРАЕВНА**

**ТУРИСТИК МАҲСУЛОТЛАР ҲИСОБИ ВА**  
**ТАҲЛИЛИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри -2020 йил**

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.DSc/Iqt192. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) ва "ZiyoNET" Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Уразов Комил Бахрамович  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримов Нейматилла Фатхуллаевич  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Курбанов Зият Ниязович  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Аликулов Абдимўмин Исмаатович  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Диссертация химояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «27» 11 кuni соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: [ilmiykengash@tfi.uz](mailto:ilmiykengash@tfi.uz)

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: [admin@tfi.uz](mailto:admin@tfi.uz)

Диссертация автореферати 2020 йил «14» 11 кuni тарқатилди.  
(2020 йил «14» 11 даги 43 рақамли реестр баённомаси).



*T. Z. Teshabaev*

Т.З.Тешабаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

*N. N. Kalandarova*  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт бўйича фалсафа доктори, (PhD)

*N. N. Kuziev*  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори (DSc), профессор

## **КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда туризм соҳаси йилдан йилга дунёнинг кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлари иқтисодиётининг асосий соҳаларидан бирига айланиб бормоқда. Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЖСТ) маълумотларига кўра, «ҳозирги пайтда дунё миқёсида яратилаётган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг қарийб 10 фоизи, иш билан бандликнинг 9 фоизи, жами экспортнинг 7 фоизи, хизматлар экспортининг эса 30 фоизи туризм соҳаси ҳиссасига тўғри келади; башоратларга кўра, 2028 йилга келиб дунё миқёсида яратиладиган туристик маҳсулотлар ҳажми 12,5 трлн. АҚШ долларига етади, унинг дунё ЯИМдаги улуши 11,7 фоизни ташкил қилади». Туристлик хизматларга бўлган талабнинг борган сари ошиб бораётганлиги туристик маҳсулотларни диверсификациялаш, улар сифатини яхшилаш ва таннархини пасайтириш, туристик компаниялар рентабеллиги ва самарадорлигини ошириш, бунинг учун барча ташкилий-иқтисодий механизмлар ва дастаклар, шу жумладан бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилни замон талаблари асосида такомиллаштириш, халқаро тажрибаларни амалиётга жорий этиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Халқаро амалиётда туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари ва дастаклари, чунончи туристик маҳсулотлар ҳисоби ва таҳлилининг методологик асосларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотлар натижасида дунёнинг кўплаб мамлакатларида туристик хизматларга доир даромадлар, харажатлар, сотиш таннархи ва фойда кўрсаткичлари бўйича ҳисоб ва ҳисоботларни халқаро стандартлар талабларига мослаштириш, бошқарув ҳисоби ва таҳлилининг замонавий моделларини яратиш ҳамда уларни туристик компанияларда қўллаш бўйича диққатга молик илмий-назарий ғоялар ва тажрибалар тўпланган. Бугунги кунда ўрганилган туризм соҳасининг турли даражада бўлган, аммо, уларнинг ҳисоби ва таҳлили бўйича халқаро даражада эришилган натижалари етарлича очиб берилмаган. Мазкур соҳада шаклланган дунёвий билим ва тажрибаларни алоҳида олинган мамлакатларда қўллаш улар юзасидан чуқур илмий тадқиқотларни олиб боришни тақозо этади.

Ўзбекистонда қабул қилинган туризм соҳасини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги стратегияга мувофиқ «туризмни иқтисодиётнинг етакчи стратегик секторига айлантириш, 2026 йилга келиб, туристик маҳсулотларнинг ЯИМдаги улушини 5 фоизга етказиш, хорижий туристлар сонини 9 миллион кишига, туризмдан олинадиган даромадни 2,2 миллиард долларга етказишдек устувор вазифалар белгиланган. Кўплаб янги турларини (зиёрат туризми, ижтимоий туризм, экотуризм, агротуризм, маданий туризм, худудий туризм ва бошқалар) пайдо бўлганлиги ва уларнинг борган сари равақ топаётганлиги, расмий маълумотларга кўра» соҳанинг мамлакатимиз ЯИМдаги улушини 2,3 фоизга етганлиги, туроператорлар сонини 950 тага, туристик-меҳмонхона мажмуаларининг 914 тага етганлиги, мазкур корхоналарда ҳозирги пайтда ҳисоб ва ҳисоботни

миллий ва халқаро стандартлар асосида юритилаётганлиги ҳамда аудиторлик текширувларидан ўтиши муҳим вазифалардан бири этиб белгиланган. Ушбу устувор вазифаларнинг самарали бажарилишига эришиш соҳа субъектлари фаолияти мазмунини ташкил қилувчи туристик маҳсулотлар бўйича даромадларни, шунингдек улар таннархини тан олиш, шакллантириш, баҳолаш, ҳисобини юритиш ва таҳлил қилиш тартибларини халқаро стандартлар талабларига тўлиқ мослаштириш, туристик маҳсулотларга доир ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи бўйича сегментар ҳисоб ҳамда ҳисоботни ташкил этиш, турмаҳсулотлар бошқарув таҳлили методологиясини такомиллаштиришга қаратилган чуқур илмий тадқиқотларни олиб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 13 августдаги ПФ-5781-сон «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 2 мартдаги ПФ-Х 5953-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармонлари, 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

#### **Диссертация бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.**

Туристтик маҳсулотлар ҳисоби ва таҳлилининг илмий-назарий ҳамда методологик муаммоларини ҳал этиш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, The center for economic and business research (CEBR), American Institute of Certified Public Accountants (ACIPA), Harvard University, Columbia University, University of Chicago, University of California, Stanford University, Princeton University (АҚШ), Auditing Practices Committee, The Institute of Internal Auditors (ИА), PricewaterhouseCoopers, Ernst & Young, The Institute of Chartered Accountants in England and Wales – ICAEW, International Accounting Standards Board (IASB) (Буюк Британия), University of Calgary (Канада), Nagoya University, Kyoto University (Япония), Россия иқтисодиёт университетиде тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Туристтик маҳсулотлар ҳисоби ва таҳлилининг методологик асосларини такомиллаштириш борасида олиб борилган илмий изланишлар натижасида

қатор илмий натижалар олинган, жумладан: хизмат кўрсатувчи корхоналардаги қилинган харажатлар ва уларни таннархга киритиш тартиби, уларни гуруҳлаштириш, ҳисоб маълумотлари ва уларни ташқи манбалардан олган ҳолда автоматлаштириш масалалари, даромадлар ва харажатлар бўйича назарий ҳамда услубий асослари яратилган ва унинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган (The center for economic and business research (CEBR)); туризм соҳасида молиявий натижаларни шакллантириш услубиёти ишлаб чиқилган (American Institute of Certified Public Accountants (ACIPA)); туристик маҳсулотларни яратилишида даромадлар ва харажатларнинг мувофиқлиги концепциясини шакллантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган (Harvard University, Columbia University, University of Chicago, University of California, Stanford University, Princeton University (АҚШ)); туризм корхоналарида асосий фаолият даромадлари ва харажатлари ахборот таъминотининг услубиёти такомиллаштирилган (Auditing Practices Committee, The Institute of Internal Auditors (ИА)); туризм корхоналарнинг тўлов қобилияти, туристик маҳсулотларнинг рентабеллиги ва соҳада маржинал даромадни аниқлаш асосида тузиш тартиби таклиф этилган (PricewaterhouseCoopers, Ernst & Young, The Institute of Chartered Accountants in England and Wales – ICAEW, International Accounting Standards Board (IASB) (Буюк Британия)); молиявий ҳисобот шакллари МХХСлар талабларига мувофиқлаштириш, чунончи фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни абзопшин костинг (absorption costing) тизими асосида, пул оқими тўғрисидаги ҳисоботни бевосита ва билвосита усулларда тузиш методологияси тавсия этилган (University of Calgary (Канада) бозор конъюнктурасига мувофиқ туристик маҳсулотлар қийматини аниқлашда баҳолашнинг даромадли ва харажатли ёндашувлари ҳамда уларда қўллаш услубини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган (Nagoya University, Kyoto University (Япония) рақамли иқтисодиётни ривожланишининг муҳим омили сифатида туризм корхоналарида фойда кўрсаткичларини «Директ-костинг» ва «Стандарт-кост» тизимлари асосида бошқарув мақсадларида таҳлил қилиш тартибларини амалиётда қўллаш бўйича кўрсатмалар асосланган (Россия иқтисодиёт университети).

Жаҳонда туристик маҳсулотлар ҳисоби ва таҳлилининг назарий, ташкилий ва методологик асосларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: мамлакат ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)га киритиладиган туристик маҳсулотларни ишлаб чиқариш харажатларини туркумлаш ва туризм маҳсулотлари таннархини калькуляция қилишни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш; туристик ташкилотлар устама ишлаб чиқариш харажатларини турмаҳсулотлар ўртасида тақсимлаш усулларни такомиллаштириш; туризмда тушум, сотиш таннархи ва фойда кўрсаткичларини директ костинг ва стандарт кост тизимлари асосида бюджетлаштириш, туризм корхоналарида замонавий бошқарув таҳлили усуллари асосида турмаҳсулот бўйича зарарсизлик нуқтаси, хавфсизлик, операцион ричаг, фойда ва зарарларни таҳлил қилиш услубиётини такомиллаштириш, туризмда харажатларни оптималлаштириш асосида унинг рентабеллигини ошириш тизими тўлиқ ўрганиш лозим.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Туризмнинг фан ва амалий фаолият сифатидаги назарий, ташкилий ва методологик масалаларини хорижий мамлакатларда ва республикамизда Ф.Котлер, Д.Ж.Боуэн, Д.Ж.Мейкен, С.С.Скобкин, Е.Н.Ильина, Н.С.Морозова, М.Б.Биржаков, М.Р.Болтабоев, Ю.А.Матюхина, М.Қ.Пардаев, Н. Тухлиев, И.С. Тухлиев, Б.Х. Тураев, Д.К. Усманова ва бошқа олимлар тадқиқ қилганлар. Шунингдек, хорижий мамлакатлар ва республикамизда Ж.Абдрасулова, И.Аврова, О.А.Александров, М.Қ.Пардаев, Л.А.Саполгина, З.У.Тошкенбоева, Н.У.Худайбердиев, К.Б.Уразов ва бошқалар томонидан туризм соҳасида бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит масалалари бўйича махсус тадқиқотлар олиб борилган ҳамда монографиялар, илмий мақолалар, ўқув ва амалий қўлланмалар чоп этилган.

Республикамизда туристик маҳсулотлар ҳисоби ва таҳлилининг методологик асосларини такомиллаштиришда қуйидаги хорижий ва республикамиз иқтисодчи олимларининг молиявий ҳисоб ва ҳисоботнинг назарий ва услубий асослари, шунингдек молиявий ҳисоботнинг халқаро андозаларидан иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари субъектларида фойдаланиш муаммоларига бағишланган илмий асарлари ҳам муҳим аҳамият касб этади: Ф.Г.Буртон, Г.Г.Роджер, Мак Нотон, А.П.Бархатов, Н.В.Генералова, В.Ф.Палий, Л.В.Усатова, Б.И.Исроилов, А.А.Каримов, М.Қ.Пардаев, Б.А.Хасанов, К.Б.Уразов, Н.Ю.Жураев, Т.С.Маликов, М.М.Тўлаходжаева, М.Ю.Рахимов, З.Н.Қурбанов, С.Н. Ташназаров ва бошқалар.

Шу билан бирга, юқорида келтирилган тадқиқотларда туристик маҳсулотлар ҳисоби ва таҳлилининг методологик асосларини миллий ҳамда халқаро стандартлар талаблари асосида янада такомиллаштириш алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Туристик маҳсулотлар ҳисоби ва таҳлилининг методологик асосларини такомиллаштириш ҳамда ишончли маълумотларни акс эттирувчи молиявий ҳисоботни тузиш амалиётда ўзига хос хусусият касб этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, ушбу соҳада туризм маҳсулотлари таннархини аниқлашда харажатлар ҳисобини юритиш ва уларда молиявий натижаларни шакллантиришда ўзига хос хусусиятлари уларнинг алоҳида жиҳатларини ажратиб олиш зарурлигини келтириб чиқармоқда.

Туристик ташкилотлар фаолияти самарадорлиги, чунончи уларнинг зарарсизлик даражаси, хавфсизлик ва операцион ричаги, фойда кўрсаткичларига баҳо бериш, уларни замонавий усуллар, чунончи «харажатлар-маҳсулот-фойда» модели, «Директ-костинг» ва «Стандарт-кост» тизимлари асосида таҳлил қилиш услубиёти етарлича тадқиқ этилмасдан қолмоқда. Ҳолбуки туристик ташкилотларда бошқарув мақсадларида ушбу усулларни қўллаш ҳозирги пайтда ўта долзарбдир.

Юқоридагиларни барчаси туристик маҳсулотлар ҳисоби ва таҳлилининг методологик асосларини такомиллаштиришга қаратилган. Ушбу мавзунини танлашга ҳамда унинг мақсад ва вазифаларини белгилашга асос бўлди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг ПЗ-20170929737– рақамли «Ўзбекистон Республикасида молиявий ҳисобот ва аудитнинг халқаро стандартларини жорий қилиш учун давлат бошқарувига тегишли соҳаларига ўзгартиришларни ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** туристик маҳсулотлар ҳисоби ва таҳлилининг методологик асосларини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

туристик ташкилотларда бевосита ва билвосита харажатларни тақсимлаш ва уларни турмаҳсулот таннархига киритиш тартибларини такомиллаштириш;

туристик маҳсулотлар таннархини туристларга кўрсатилган хизматлар турлари ва сотиш қийматини уларнинг таркибий элементлари бўйича пул бирлигида ҳисоб-китоб қилиш бўйича такомиллаштирилган арифметик алгоритмларини ишлаб чиқиш;

туристик ташкилотларда харажатлар бўйича ички сегментар ҳисоб ва ҳисоботни ташкил этиш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқиш;

бухгалтерия ҳисоби миллий ва халқаро стандартларига киритилган «даромад» ва «тушум» категориялари талқинига аниқлик киритиш;

халқаро ҳисобнинг “Директ-костинг” тизимига асосланган «Харажатлар - маҳсулот-фойда» модели бўйича туристик маҳсулотлар зарарсизлиги ва хавфсизлиги даражалари ҳамда молиявий левериджни баҳолаш ва таҳлил қилиш методикасини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистонда фаолият юритаётган туризм соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектлар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** туризм соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятидаги вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда илмий мушоҳада, дедукция, индукция, тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил, эксперт баҳолаш, статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

туроператорлик фаолиятига доир умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобланган иш ҳақи харажатларига мутаносиб тақсимлаш асосида турмаҳсулот таннархига киритиш ҳамда молиявий натижаларда акс эттириш асосланган;

туристик маҳсулотлар таннархини туристларга кўрсатилган хизматлар турлари ва турпакетлар сотиш қийматининг таркибий элементлари бўйича пул бирлигида ҳисоб-китобларнинг янги арифметик қурилмаси (формуласи) ишлаб чиқилган;

туризмда операцион ва молиявий фаолият турлари бўйича ахборотларни умумлаштиришга қаратилган молиявий натижаларни аниқловчи ишчи счётларни қўллаш орқали уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш услуби такомиллаштирилган;

туризм корхоналарида самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш

мақсадида молиявий натижалар тўғрисидаги сегментар ҳисоботнинг янги шакли ишлаб чиқилган;

"Харажатлар-маҳсулот-фойда модели" бўйича туристик маҳсулотлар зарарсизлиги ҳамда уларни таҳлилида молиявий левериджни баҳолаш тартиби "Директ-костинг" ва "Стандарт-кост" тизимларида шакллантирилган алгоритмларни киритиш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

туристик хизмат таннархини тўғри шакллантиришга имкон берувчи туризм корхоналари харажатларини такомиллаштирилган таснифи ва таркиби ишлаб чиқилган;

туризм корхоналарида туристик маҳсулотларни сотишдан молиявий натижаларни шакллантириш бўйича ишчи счётлар таркиби ва уларни юритиш тартиблари такомиллаштирилган;

15-сон МҲХС "Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар" талабларидан келиб чиқиб, республикамизда даромад ва тушум кўрсаткичларни акс эттирувчи миллий стандартларга (БҲМС 2, БҲМС 3, БҲМС 21) таҳририй ва таркибий ўзгартиришлар киритиш тавсия этилган;

"Харажатлар-маҳсулот-фойда" модели асосида туристик маҳсулотлар зарарсизлиги ва хавфсизлиги даражалари ҳамда молиявий левериджни баҳолаш ва таҳлил қилиш услубиятини амалиётда қўллаш йўллари кўрсатиб берилган;

бошқарув таҳлили объекти сифатида фойда кўрсаткичларини "Директ-костинг" ва "Стандарт-кост" тизимлари бўйича туристик маҳсулотлар таннархини калькуляция қилишнинг меъёрий усули асосида таҳлил қилиш тартиблари ҳамда улардан самарали бошқарув қарорларини қабул қилишда фойдаланиш йўллари тавсия этилган.

**Олинган натижаларнинг ишончлилиги**, амалга оширилган ёндашув ва усулларнинг фойдаланилган назарий жиҳатлар расмий манбалардан олинганлиги, туризм фаолияти билан шуғулланаётган корхоналар маълумотларига асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотларига, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти туристик маҳсулотларни ҳисобга олиш ва таҳлил услубиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий хулоса, амалий тавсиялардан келгусида туризм корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилнинг назарий ва методологик асосларини янада такомиллаштиришга бағишланган илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Шунингдек, туристик маҳсулотлар ҳисоби ва таҳлилининг методологик асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялардан ОТМларда «Молиявий ҳисоб», «Бошқарув ҳисоби», «Молиявий ҳисобот», «Молиявий ва бошқарув таҳлили» каби фанлар бўйича ўқув дастурлари, ўқув-услубий мажмуалар, кейс стабилар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти туристик маҳсулотлар ҳисоби ва таҳлилининг методологик асосларини такомиллаштириш бўйича

ишлаб чиқилган таклифлардан бухгалтерия ҳисоби ишлари тўғри ва ўз вақтида ташкил этилиши ҳамда самарали юритилиши, бошқарув қарорлари учун маълумотларни олиш имкониятини берувчи молиявий ҳисоботнинг ишончлилиқ даражасини оширишига хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Туристлик маҳсулотлар ҳисоби ва таҳлилининг методологик асосларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

туроператорлик фаолиятига доир умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобланган иш ҳақи харажатларига мутаносиб тақсимлаш асосида турмаҳсулот таннархига киритиш ҳамда молиявий натижаларда акс эттириш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан туристик ташкилотларда ички сегментар ҳисоб ва ҳисоботни ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш қўмитасининг 2019 йил 19 апрелдаги 02-22/3018-сон маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлигининг 2019 йил 29 апрелдаги 2/1128-сон маълумотномаси). Олинган натижа туризм корхоналарида харажатларни тўғри туркумлаш, турпакетлар таннархини тўғри аниқлашга хизмат қилган;

туристик маҳсулотлар таннархини туристларга кўрсатилган хизматлар турлари ва турпакетлар сотиш қийматининг таркибий элементлари бўйича пул бирлигида ҳисоб-китобларнинг янги арифметик қурилмаси (формула) бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш қўмитаси томонидан туризм корхоналарида ҳисоб сиёсатини такомиллаштиришда, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси томонидан бухгалтерия ҳисобида “Туризм корхоналари учун харажатларни режалаштириш, ҳисобга олиш ҳамда молиявий натижаларини шакллантириш тартиби тўғрисида Низом” ишлаб чиқилган ва қўллаш орқали амалиётда услубий қўлланмаларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш қўмитасининг 2019 йил 19 апрелдаги 02-22/3018-сон, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2019 йил 29 апрелдаги 2/1128-сон, Ўзбекистон Аудиторлар Палатасининг 2019 йил 17 апрелдаги 70-сон маълумотномалари). Натижада, туристик корхоналарда маҳсулот таннархини ҳисобга олиш тартибини такомиллашуви ва туристик маҳсулотлар таннархига киритиладиган харажатларни туркумлаш имконияти яратилган;

туризмда операцион ва молиявий фаолият турлари бўйича ахборотларни умумлаштиришга қаратилган молиявий натижаларни аниқловчи ишчи счётларни қўллаш орқали уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан “Туризм корхоналари учун харажатларни режалаштириш, ҳисобга олиш ҳамда молиявий натижаларини шакллантириш тартиби тўғрисида Низом” ишлаб чиқилган ва қўллаш орқали амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш қўмитасининг 2019 йил 19 апрелдаги 02-22/3018-сонли, Ўзбекистон Республикаси Транспорт

вазирлигининг 2019 йил 29 апрелдаги 2/1128-сон маълумотномалари). Натижада, ушбу кўрсаткичлар бўйича молиявий ҳисоботларни МҲХСлар талаблари асосида такомиллаштиришга эришилган;

туризм корхоналарида самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида молиявий натижалар тўғрисидаги сегментар ҳисоботнинг янги шаклини ишлаб чиқиш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш қўмитаси томонидан молиявий натижаларни шакллантиришда ички сегментар ҳисоботни такомиллаштириш юзасидан амалий тавсия ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан даромадларни шакллантириш ва соф фойдани аниқлаш тартибини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш бўйича таклифларни оптималлаштиришда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш қўмитасининг 2019 йил 19 апрелдаги 02-22/3018-сон маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2019 йил 29 апрелдаги 2/1128-сон маълумотномаси). Натижада, корхона молиявий фаолият бўйича ўз даромадлари ҳажмини оширган, туризм корхоналарида ҳар бир туристлар гуруҳига белгиланган харажатларни аниқ ҳисоблаб, калькуляция моддалари орқали, соф фойдани аниқлаш тартиби соддалашган ва молиявий ҳисобот кўрсаткичлари тўғрисида ахборотлар олиш имконияти яратилган;

"Харажатлар-маҳсулот-фойда модели" бўйича туристик маҳсулотлар зарарсизлиги ҳамда уларни таҳлилида молиявий левериджни баҳолаш тартиби "Директ-костинг" ва "Стандарт-кост" тизимларида шакллантирилган алгоритмларни киритиш асосида такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф Ўзбекистон Автомобиль транспорти агентлиги томонидан, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан молиявий ҳисоботларни тузишда алгоритмлардан фойдаланилган амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Автомобиль транспорти агентлигининг 2018 йил 17 августдаги 3/2850-сон, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш қўмитасининг 2019 йил 19 апрелдаги 02-22/3018-сон, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2019 йил 29 апрелдаги 2/1128-сон маълумотномалари). Натижада, CVP модели асосида туристик компаниянинг зарарсизлик нуқтаси, хавфсизлик даражаси, тушум ва фойда кўрсаткичларининг турли ўсиш даражаларидаги нисбатларини (операцион дастакни) баҳолаш ва таҳлил қилиш натижалари амалиётда фойда кўрсаткичларини 2021-2023 йиллар учун прогнозлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 4 та республика ва 8 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 38 та илмий иш, жумладан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 25 та илмий мақола, жумладан 13 таси хорижий журналда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 225 бетни ташкил қилади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Туристик маҳсулотлар, уларга доир даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда таҳлилининг илмий-назарий асослари**» деб номланиб, унда туризмни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва соҳанинг ўзига хос хусусиятлари, туристик корхоналарда туристик маҳсулотлар, уларга доир даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда таҳлилининг илмий-назарий масалалари тадқиқ этилган.

Туризм иқтисодиётнинг муҳим ва ўзига хос соҳаси ҳисобланади. Ушбу соҳанинг муҳимлиги шундаки, у, бир томондан, дунё миқёсида элларни элларга, тармоқларни тармоқларга, мамлакатларни мамлакатларга боғловчи бўғин ҳисобланади, айнан шу сифатдау давлатлар ўртасида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, техник ва бошқа турдаги ҳамкорликни ўрнатишга имкон беради. Иккинчи томондан, туризм соҳасида «туристик маҳсулот» деб аталмиш миллий бойлик яратилади ва у «туристлар» деб ном олган харидорларга миллий ва хорижий валюталарга сотилади. Яратилган туристик маҳсулотлар мамлакат ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) таркибий элементи ҳисобланади. Туристик маҳсулотлар ҳажмининг ошиши ҳар қандай давлатда унинг ЯИМни, валюта тушумини ошишига олиб келади. Туризм одамларни иш ўринлари билан таъминлаш, уларнинг даромадларини ошириш, билим ва савиясини, маданияти ва маърифатини юксалтиришнинг муҳим манбаи ҳамдир.

Туризм соҳасининг ўта муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга моликлиги боис, республикада уни ривожлантиришга давлатимиз сиёсатида катта урғу берилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг туризм соҳасини ривожлантириш бўйича охириги уч йилда қабул қилган фармонлари ва қарорлари, уларда белгиланган чора-тадбирлар, чунончи 2018-2019 йилларда эришилган натижалар, шунингдек 2020-2025 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар (1-жадвалга қаранг), шунингдек сўнгги йилларда туризм инфратузилмасини ривожлантириш бўйича йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилганлиги, шу жумладан Тошкент шаҳрида «Hyatt Regency Tashkent» ва «Lotte City Hotel Tashkent Palace» брендли меҳмонхоналарнинг очилганлиги, Андижон, Урганч ва Тошкент шаҳрида маданий-кўнгилочар боғларнинг ташкил этилганлиги, «Ангрен-Поп» темир йўли, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз ва Хива шаҳарларига тезюрар

поездлар учун электрлаштирилган темир йўллари очилганлиги бунинг ёрқин гувоҳидир.

Туризмнинг ўзига хослиги шундаки, унда яратиладиган миллий бойлик, яъни туристик маҳсулотлар бошқа тармоқларда яратиладиган моддий бойликлардан турли жиҳатлари бўйича тубдан фарқ қилади. Чунончи, “туристик маҳсулот” деб аталмиш миллий бойлик туристларга кўрсатиладиган хизматлар мажмуасидан иборат бўлади. Бундай хизматлар сирасига туристларга трансферт (бир жойдан бошқа жойга транспорт воситалари орқали етказиш, ташиш), меҳмонхоналарга жойлаштириш, овқатлантириш, экскурсия қилиш, дам олиш, хордиқ чиқариш, турли маданий, маърифий, маънавий талабларни қониқтирадиган тадбирларда иштирок этиш ва шу каби кўплаб бошқа хизмат турлари киради. Ишимизда биргаликда туристик маҳсулотни ташкил қилувчи туристик хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда мазмун моҳияти очиб берилди (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Туристик хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг мазмун-моҳияти**

Т/р	Хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари	Хусусиятларнинг мазмун-моҳияти
1.	Туристик хизматларнинг бир вақтнинг ўзида ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий аҳамиятга эгаллиги	Туристик хизматларнинг иқтисодий аҳамияти бевосита унинг ҳудуд ва мамлакат иқтисодиётига ЯИМ яратиши, туристик маҳсулотлар ишлаб чиқариши, туристларга хизмат кўрсатиши туфайли қиймат яратиши билан белгиланади. Ижтимоий аҳамиятга бевосита аҳолини иш билан таъминлаши, уларга туристик хизматлар кўрсатиш орқали оламни билишга кўмаклашиши, ҳаёт сифати ва даражасининг оширилиши билан белгиланади.
2.	Туристик хизматларнинг бошқа турлари сингари сақлаш имкониятининг йўқлиги	Туристик хизматларни бошқа хизматлар сингари сақлаш имконияти йўқ, чунки у бевосита кўрсатилаётган жараёнда истеъмол қилинади, унинг сифати шу жараённинг ўзида истеъмолчи томонидан англанади.
3.	Туристик хизматлари олди-сотди жараёнида моддий шаклда намоён бўлмаслиги	Туристик хизматлар бошқа хизматлар сингари олди-сотди жараёнида моддий шаклда намоён бўлмайди, бир вақтнинг ўзида истеъмол қилинади, хизмат кўрсатувчининг хизмати унинг профессионаллигига, мос равишда, истеъмолчининг мазкур хизматдан қанча манфаатдор бўлиш унинг умумий савиясига боғлиқ бўлади.
4.	Туризм хизматларининг хизмат жойида кўрсатилиши ва бошқа жойга олиб кетишнинг имкони йўқлиги	Туризм хизматлари номоддий бўлганлиги, уни сақлаш ва ташиш учун имкониятининг йўқлиги ҳамда мазкур хизматни истеъмол қилинадиган пайт ва жойида кўрсатилиши уни бошқа жойга олиб кетишнинг имконини бермайди.
5.	Туристик хизматларни кўрсатиш жараёнида унинг бир вақтнинг ўзида истеъмол қилиниши	Туристик хизматлар кўрсатиш жараёнида бир вақтнинг ўзида истеъмол қилиниши туфайли мазкур хизматни сақлаш, ташиш, моддий шаклда бошқа кишига бериш имконияти бўлмайди.
6.	Туристик хизматларни кўрсатишда истеъмолчи, хизмат кўрсатувчи ва туристик маҳсулотнинг бир вақтнинг ўзида ҳозир бўлишлиги даражаси	Туристик хизматларнинг яна бир муҳим хусусияти, уни кўрсатиш жараёнида истеъмолчи, хизмат кўрсатувчи ва туристик маҳсулот (хизмат)нинг бир вақтнинг ўзида ҳозир бўлишлиги билан характерланади.

Туризм соҳасида давлат сиёсати истиқболда ҳудудлар ва уларнинг инфратузилмасини комплекс жадал ривожлантиришда туризм соҳаси етакчилик қилиши, долзарб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ечиш, иш

ўринларини кўпайтириш, хуудлар диверсификацияси ва ривожланишини таъминлаш, аҳолининг даромадлари, яшаш даражаси ва сифатини ошириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ва имиджини яхшилашга қаратилган. Республикамизда ўрта муддатли истикболда туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсадли вазифалари ва устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Туристларга кўрсатиладиган барча хизмат турлари ўз таннархига ва сотиш қийматига эга бўлади. Туристик хизматларни шакллантиришга кетган харажатлар биргаликда туристик маҳсулотлар бирлигини ташкил қилувчи туристик йўлланма таннархини ташкил этади. Туризм соҳаси субъектлари фойдаси билан биргаликда ҳисобланган қиймат туристик йўлланманинг сотиш қийматини ташкил этади. Сотилган туристик йўлланмаларнинг сотиш қиймати туризм соҳаси субъектлари (туроператорлар ва турагентлар)нинг асосий фаолиятдан олинган даромади, ушбу йўлланмалар таркибидаги хизматлар учун тўловлар суммаси уларнинг таннархини ташкил қилади.

Туристик маҳсулотларнинг юқорида келтирилган тавсифи ва хусусиятлари уларни бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилининг ўзига хос объектлари эканлигидан дарак беради. Бироқ, изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилга оид адабиётларда туристик маҳсулотлар, уларга доир даромадлар ва харажатлар, туристик маҳсулотлар таннархининг таърифлари, таснифи ва тавсифлари ҳисоб юритиш ва таҳлил қилиш талабларидан келиб очиб берилмаган. Бизнинг фикримизча, туристик маҳсулотларга ўзига хос тайёр маҳсулот сифатида берилган таъриф уларни миқдор жиҳатдан ўлчаш ва сифат жиҳатдан тавсифлаш, ўлчаш ва ҳамда баҳолашга имкон бериши лозим. Туристик маҳсулотлардан олинган даромадларга берилган таъриф ушбу даромадларни маҳсулотларни сотишда айнан қандай хизматлардан олинганлигини, туристик маҳсулотлар таннархига берилган таъриф эса харажатларни айнан қандай хизматларга доирлигини ўзида ифода этиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Ушбу талаблардан келиб чиқиб, ишимизда туристик маҳсулотлар, уларга доир даромадлар ва туристик маҳсулотлар таннархига ҳисоб ва таҳлил объектлари сифатида қуйидагича таърифлар берилди:

**\*туристик маҳсулотлар** деганда туристларга кўрсатилган трансферт (бир жойдан бошқа жойга транспорт воситалари орқали етказиш, ташиш), меҳмонхоналарга жойлаштириш, овқатлантириш, экскурсия қилиш, дам олиш, хордиқ чиқариш, турли маданий, маърифий, маънавий талабларни қониқтирадиган тадбирларда иштирок этиш ва шу каби кўплаб бошқа хизмат турлари мажмуасининг пул бирлигидаги яхлит қиймати тушунилади.

**\*туристик маҳсулотларни сотишдан олинган соф тушум** деганда туристларга кўрсатиладиган трансферт (бир жойдан бошқа жойга транспорт воситалари орқали етказиш, ташиш), меҳмонхоналарга жойлаштириш, овқатлантириш, экскурсия қилиш, дам олиш, хордиқ чиқариш, турли маданий, маърифий, маънавий талабларни қониқтирадиган тадбирларда иштирок этиш ва шу каби кўплаб бошқа хизмат турларидан олинган жами соф тушум тушунилади.

**\*туристик маҳсулотлар таннархи** деганда туристларга трансферт (бир жойдан бошқа жойга транспорт воситалари орқали етказиш, ташиш), меҳмонхоналарга жойлаштириш, овқатлантириш, экскурсия қилиш, дам олиш, хордиқ чиқариш, турли маданий, маърифий, маънавий талабларни қониқтирадиган тадбирларда иштирок этиш ва шу каби кўплаб бошқа хизмат турларини кўрсатишга сарфланган жами харажатлар тушунилади.

Диссертациянинг «**Туристик маҳсулотларни ишлаб чиқариш харажатлари ва сотиш таннархи ҳисобининг методологик асосларини такомиллаштириш**» деб номланган иккинчи бобида туризм корхоналарида харажатларни туркумлаш, туристик маҳсулот таннархига кирувчи алоҳида харажатларни ҳисоб-китоб қилиш, туристик маҳсулотларни ишлаб чиқариш харажатлари ва сотиш таннархи ҳисобининг методологик асослари, шунингдек туристик корхоналарнинг билвосита ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобдан чиқариш, уларни туристик пакетлар ўртасида тақсимлаш масалалари тадқиқ этилган.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда туристик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда улар бўйича молиявий натижаларни шакллантириш тартиби махсус белгиланмаган. Шунингдек, туристик компаниялар алоҳида олинган харажатларини туристик маҳсулотларни ташкил этувчи турпакетлар ўртасида тақсимлаш тартиблари махсус меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинмаган. Улар амалдаги “Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом”, шунингдек республикамиз олимлари томонидан чоп этилган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларда ҳам етарлича ёритилмаган. Буларнинг барчаси туристик ташкилотлар амалиётида туристик пакетлар сотиш баҳолари, таннархи, солиқ тўловлари ва якуний молиявий натижаларни шакллантириш ҳамда аниқлашда кўплаб муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Туризм корхоналарида харажатларни туркумлашнинг мазкур тартибини қўллаш уларда туризм маҳсулотлари таннархини тўғри шакллантириш, тўланадиган солиқларни тўғри ҳисоб-китоб қилиш имкониятини беради.

Ушбу муаммоларни ҳал этиш мақсадида ишимизда “Туризм корхоналари учун харажатларни режалаштириш, ҳисобга олиш ҳамда молиявий натижаларини шакллантириш тартиби тўғрисида Низом” лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу таклиф этилаётган Низом республикамизда амалда бўлган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом” талабларига мос келади. Мазкур тармоқ низомини қўллаш туризм корхоналарида харажатларни тўғри туркумлаш ва уларни бухгалтерия ҳисоби счётларида акс этириш, пировардида молиявий натижаларни яхлит тартибда шакллантиришга имкон беради.

Олиб борилган тадқиқот натижасида туристик маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш бўйича қилинадиган харажатларни 12 та белгиси бўйича туркумлаш тартиби ишлаб чиқилди (2-жадвал).

**Туризм корхоналарида харажатларни туркумлаш тартиби**

Туристтик маҳсулот ва хизматлар таннархини аниқлаш учун:	
<i>Келгусида даромад келтиришига кўра:</i>	
Сарфлар (олинувчи харажатлар)	Харажатлар (муддатли харажат)
<i>Туристтик маҳсулот таннархига киритилишига кўра</i>	
Бевосита (тўғри)	Билвосита (эгри)
<i>Туристтик маҳсулотни ишлаб чиқаришидаги иқтисодий ролига кўра</i>	
Асосий харажатлар	Устама харажатлар
<i>Туристтик маҳсулотни ишлаб чиқаришига кўра</i>	
Ишлаб чиқариш	Ноишлаб чиқариш
<i>Таркибига кўра</i>	
Бир элементли	Комплекс
<i>Харажатнинг турига кўра</i>	
Иқтисодий элементлар	Калькуляция моддалари
<i>Бошқарув қарорларини қабул қилиш бўйича:</i>	
Самарали	Самарасиз
<i>Туристтик маҳсулотнинг миқдорига кўра</i>	
Ўзгарувчан	Ўзгармас (доимий)
<i>Баҳолашда муқобил вариантларни танлаш бўйича</i>	
Релевант	Релевант бўлмаган харажатлар
<i>Бухгалтерия ҳисобида тан олинishi бўйича</i>	
Аниқ бўлган	Аниқ бўлмаган (тахминий ёки ёпиқ харажатлар)
<i>Солиқа тортиш мақсадида</i>	
Чекланган, яъни меъёрлаштирилган	Чекланмаган
<i>Режалаштирилишига кўра</i>	
Режалаштирилган	Режалаштирилмаган

Туризм корхоналарида харажатлар ҳисоби асосан молиявий ҳисоб ва ҳисоботни тузиш талабларига йўналтирилган. Чунончи, барча бевосита ишлаб чиқариш харажатлари 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” счётида, ички туроператорлик фаолиятига қилинган барча билвосита харажатлар айрим компанияларда тўғридан тўғри юқоридаги счётада, айрим компанияларда эса умумишлаб чиқариш харажатлари сифатида 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари” счётида ҳисобга олинмоқда. Бироқ туристик корхоналар учун асосий ишлаб чиқариш ва умумишлаб чиқариш харажатларининг таркиби махсус белгиланмаганлиги сабабли улар бир-биридан фарқли равишда ҳисобга олинмоқда. Туристтик компаниялар амалиётида умумишлаб чиқариш харажатларини бир йўналишдаги ёки битта турмаҳсулот таннархига олиб бориш ҳолатлари кўпроқ учрайди. Булар туристик компанияларда асосий ва умумишлаб чиқариш харажатларини туристик йўлланмалар (турпакетлар), туристик хизматлар турлари ўртасида тақсимлаш масалаларини ҳам ўз ечимини топмаганлигидан дарак беради. Натижада корхонада қайси турпакет ёки турмаҳсулотнинг иқтисодий нафли, қайси бирини эса нафсиз эканлигини аниқлаш мушкул бўлиб қолмоқда.

Ишимизда туристик ташкилотларда туристларга кўрсатиладиган автотранспорт хизматларига оид асосий харажатлар ҳисобланган материал, меҳнат ҳақи, автомобилларни суғурталаш ва улар учун тўланадиган лицензия

тўловлари харажатларини турпакетлар ўртасида тақсимлашнинг, бизнинг фикримизча, мақбул бўлган мезонлари, ушбу тақсимотни бевосита ва билвосита усулларда ҳисоб-китоб қилиш тартиблари тавсия этилди. Чунончи, бевосита усулда ҳар бир турпакетга сарфланган ёқилғи сарфи ҳисоб-китобини қуйидагича амалга ошириш тавсия этилди (3-жадвалга қаранг).

### 3-жадвал

#### Ҳисобот даврида автотранспорт ёқилғи сарфларини турпакетлар ўртасида бевосита усулда тақсимлаш ҳисоб-китоби

№	Турпакет (ТП)нинг идентификацион рақами	Босиб ўтилган йўл узунлиги	Сарфланган ёқилғи миқдори	1 бирлик ёқилғи нархи	Турпакетга сарфланган ёқилғи суммаси
1	ТП-1	1000	180	4000	720000
2	ТП-2	500	90	4000	360000
3	ТП-3	800	144	4000	576000
4	ТП-4	1200	216	4000	864000
5	ТП-5	2000	360	4000	1440000
	<b>Жами</b>	<b>5500</b>	<b>990</b>		<b>3960000</b>

Билвосита усулда ҳар бир турпакетга сарфланган ёқилғи сарфи ҳисоб-китоби жами ёқилғи сарфи суммасини ҳар бир турпакетнинг автотранспорт орқали жами босиб ўтилган йўлдаги улушига қараб тақсимотига асосланиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Ушбу ҳисоб-китобни қуйидагича тузиш тавсия этилди (4-жадвалга қаранг).

### 4-жадвал

#### Ҳисобот даврида автотранспорт ёқилғи сарфларини турпакетлар ўртасида билвосита усулда тақсимлаш ҳисоб-китоби

№	Турпакет (ТП)нинг идентификацион рақами	Босиб ўтилган йўл узунлиги	Жами босиб ўтилган йўл узунлигида турпакет улуши	Тур пакетга сарфланган ёқилғи суммаси
1	ТП-1	1000	18,2	720000
2	ТП-2	500	9,1	360000
3	ТП-3	800	14,5	576000
4	ТП-4	1200	21,8	864000
5	ТП-5	2000	36,4	1440000
	<b>Жами</b>	<b>5500</b>	<b>100,0</b>	<b>3960000</b>

Ҳисобот даврида туристрларга хизмат кўрсатувчи автотранспорт воситалари (автобуслар, микроавтобуслар) ҳайдовчиларига ҳисобланган иш ҳақи харажатларини (ЯИТ билан биргаликда) турпакетлар ўртасида тақсимлашга асос бўлиб автотранспорт ҳайдовчисининг ҳисобот даврида ишлаган жами иш куни ҳамда ойлик иш кунларининг турпакетларга тегишли иш кунлари ҳисобланади. Турпакет таннархига киритиладиган меҳнат ҳақи харажатлари суммаси автотранспорт воситаси ҳайдовчисининг ўртача бир

кунлик иш ҳақи харажатлари суммасини ҳайдовчининг ҳар бир турпакетда иштироки кунлари сонига кўпайтириш орқали топиш тавсия этилди.

Ҳисобот даврида туристларга хизмат кўрсатувчи автотранспорт воситалари (автобуслар, микроавтобуслар) бўйича тўланган суғурта ва лицензия тўловлари харажатларини турпакетлар таннархига қуйидаги тартибда ҳисоб-китоб қилиш тавсия этилди:

\*дастлаб, суғурта ва лицензия тўловлари суммаларини суғурта полиси ва лицензиянинг амал қилиш муддатига (ойлар сонига) бўлиш орқали уларнинг бир ойлик ўртача тўлов суммасини топиш;

\*кейин, топилган ойлик суғурта ва лицензия тўловлари суммасини шу ойда хизматлар кўрсатилган туристлар сонига бўлиш йўли билан 1 та туристга тўғри келувчи ўртача тўлов суммасини аниқлаш;

\*охирида, 1 та туристга тўғри келувчи суғурта ва лицензия тўловлари суммасини турпакетлар бўйича хизмат кўрсатилган туристлар сонига кўпайтириш орқали улар таннархига киритиладиган жами суғурта ва лицензия тўловлари суммасини топиш.

Туризм корхоналарида туристик маҳсулотлар таннархини аниқлашда умумишлаб чиқариш харажатлари қуйидаги муқобил усулларда ҳам тақсимлаш мумкинлиги асосланди:

\*биринчи усул - бу туристик корхона ходимларига ҳисобланган иш ҳақи харажатларига мутаносиб тақсимлаш усули;

\*иккинчи усул-бу туристик корхонада амалга оширилган тўғри харажатларга мутаносиб тақсимлаш.

Ушбу иккита муқобил усулларни ўзаро таққослаш асосида қуйидаги натижалар олинди (5-жадвал):

## 5-жадвал

### «Grand Comfort travel» МЧЖда умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлашда таклиф этилган усулларнинг таққосланиши

Туристтик йўлланма йўналиши	Умумишлаб чиқариш харажатларнинг тақсимланиши, минг сўм			
	1-усулда	Туристтик маҳсулот таннархи	2-усулда	Туристтик маҳсулот таннархи
Токио (Япония)	882,0 > 712,5	Юқори	712,5 < 882,0	паст
Сингапур (Сингапур)	398,0 < 562,5	Паст	562,5 > 398,0	юқори
Москва (Россия)	132,0 < 150,0	Паст	150,0 > 132,0	юқори
Остона (Қозоғистон)	88,0 > 75,0	Юқори	75,0 < 88,0	паст

Таклиф этилган ҳисоб-китоб асосида умумишлаб чиқариш харажатлари ҳар ойда (ёки чоракда) қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали ҳисобдан чиқарилиши лозим, деб ҳисоблаймиз:

**Дебет** 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» (Токио, Япония) счёти - 882,0 сўм.

**Кредит** 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» - 882,0 сўм.

Ушбу таклиф этилаётган тартиб туризм корхоналарида умумишлаб чиқариш (туроператорлик, турагентлик хизматлари) харажатларини адолатли тақсимлаш ва счётларда акс эттириш ҳамда турмаҳсулот таннархини аниқ калькуляция қилиш имкониятини беради ва соҳада молиявий натижаларни тўғри шакллантиришга хизмат қилади.

Ишимизда турпакетнинг сотиш қийматини аниқлашда қуйидаги формулалардан фойдаланиш таклиф этилди:

$T_p = H_n + S + P - C_h + K / (T_s + G_s)$	(1);
$H_n = T_x + M_x + O_x + \text{Э}x + \text{Л}x + \text{Б}x$	(2);
$T_x = \text{Ё}x + \text{И}x + \text{С}x + \text{Л}x + \text{Б}x$	(3);
<p><b>Буерда:</b> <math>T_p</math> - бир турист учун турпакетнинг сотиш нархи (сўмда), <math>H_n</math> - турпакетга киритилган хизматлар таннархи, <math>S</math> - алоҳида хизматлар бўйича билвосита солиқлар, <math>P</math> - туроператорнинг фойдаси, <math>C_h</math> - чегирма (туроператор хизмат турлари бўйича), <math>K</math> - турагентнинг комиссияси (туроператор нархидан турагентликнинг фойдасига чегирма), <math>T_s</math> - гуруҳдаги туристлар сони, <math>G_s</math> - кузатиб борилаётган гуруҳлари сони (эскорт); <math>T_x</math> - трансферт харажатлари; <math>M_x</math> - меҳмонхона харажатлари; <math>O_x</math> - овқатлантириш харажатлари; <math>\text{Э}x</math> - экскурсия, хордиқ ва бошқа турли маъданий тадбирлар харажатлари; <math>\text{Л}x</math> - лицензия харажатлари; <math>\text{Б}x</math> - бошқа ишлаб чиқариш харажатлари; <math>\text{Ё}x</math> - автомобиль ёқилғилари харажатлари; <math>\text{И}x</math> - автобус хайдовчилари иш ҳақи харажатлари (ижтимоий солиқ билан бирга); <math>\text{С}x</math> - автобусларни суғурталаш харажатлари; <math>\text{Л}x</math> - автобуслар учун лицензия тўловлари; <math>\text{Б}x</math> - бошқа трансферт харажатлари.</p>	

Юқоридаги формула асосида бир бирлик турпакет, шунингдек жами турпакетларнинг ҳам ҳақиқий, ҳам меъёрий (норматив) сотиш қийматини аниқлаш мумкин. Бунда сотиш қийматининг таркибий элементи бўлган турпакетга киритилган хизматлар таннархи ( $H_n$ ) корхона томонидан тузиладиган турпакетлар таннархининг меъёрий (норматив) ва ҳақиқий калькуляциялари асосида белгиланади. Ушбу калькуляцияларда ҳар бир турпакетнинг, шунингдек жами турпакетларнинг ўртача меъёрий (норматив) ва ҳақиқий таннархини қуйидаги харажат гуруҳлари бўйича аниқлаш тавсия этилди:

трансферт (бир жойдан бошқа жойга транспорт воситалари орқали етказиш, ташиш) харажатлари;

меҳмонхоналарга жойлаштириш харажатлари;

овқатлантириш харажатлари;

экскурсия қилиш, дам олиш, хордиқ чиқариш, турли маданий, маърифий, маънавий ва бошқа тадбирлар харажатлари.

Ушбу харажат гуруҳлари суммаларини, ўз навбатида, меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий харажатлар, амортизация харажатлари, турли хизматлар ва бошқа устама харажатлар моддаларининг ўртача меъёрий (норматив) ва ҳақиқий миқдори асосида аниқлаш лозим деб ҳисоблаймиз.

Бошқарув мақсадларида туристик ташкилотларда харажатлар бўйича ички сегментар ҳисоботни жавобгарлик объектлари (марказлари) бўйича тузиш катта аҳамият касб этади. Туристик ташкилотларда жавобгарлик объектлари (марказлари) бўлиб бевосита алоҳида йўналишлар бўйича туристларга тақдим этилаётган турпакетлар ҳисобланади.

Ишимизда ҳар бир турпакет кесимида меъёрий (норматив) ва ҳақиқий таннарх ҳамда улар ўртасидаги четланишлар тўғрисидаги ахборотларни ўзида мужассамлаштирувчи, шунингдек яхлит туристик ташкилот миқёсида барча турпакетлар бўйича меъёрий (норматив) ва ҳақиқий таннарх ўртасидаги четланишларни акс эттирувчи сегментар ҳисоботлар тавсия этилди, ушбу ҳисоботларни тузиш тартиблари аниқ амалий материаллар асосида кўрсатиб берилди.

Диссертациянинг «Туристтик маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар ва молиявий натижалар ҳисобини такомиллаштириш масалалари» номли учинчи бобида туристик корхоналарда молиявий натижалар кўрсаткичларини шакллантириш, шунингдек улар бўйича ҳисоб ва ҳисоботларни такомиллаштириш йўллари тадқиқ этилган.

б-жадвал

**Туристтик корхоналарида асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи счётларни такомиллаштириш бўйича 21-сон БҲМСга таклиф:**

т/р	Амалдаги таҳрир	Таклиф этилган таҳрир
1.	1-§. Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи счётлар (9000)	1-§. Асосий (операцион) фаолиятнинг тушумлари (даромадлари)ни ҳисобга олувчи счётлар (9000)
2.	<b>376-банд:</b> Тайёр маҳсулот, товар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларни сотишдан олинган даромадлар, шунингдек, сотилган товарларнинг қайтиши, сотиш ва баҳолардан чегирмалар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади: 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар”; 9020 “Товарларни сотишдан даромадлар”; 9030 “Ишлар бажариш ва хизматларни кўрсатишдан даромадлар”; 9040 “Сотилган товарларнинг қайтиши”; 9050 “Харидорлар ва буюртмачиларга бериладиган чегирмалар”.	<b>376-банд:</b> Тайёр маҳсулот, товар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларни сотишдан тушум, шунингдек, сотилган товарларнинг қайтиши, сотиш ва баҳолардан чегирмалар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади: <i>9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан соф тушум”;</i> <i>9020 “Товарларни сотишдан соф тушум”;</i> <i>9030 “Ишлар бажариш ва хизматларни кўрсатишдан соф тушум”;</i> 9040 “Сотилган товарларнинг қайтиши”; 9050 “Харидорлар ва буюртмачиларга бериладиган чегирмалар”.
2.	<b>392-банд:</b> Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади: 9310 “Асосий воситаларни чиқиб кетишидан фойда”; 9320 “Бошқа активларни чиқиб кетишидан фойда”; 9330 “Ундирилган жарима, пеня ва устамалар”; 9340 “Ўтган йиллар фойдалари”; 9350 “Оператив ижарадан олинган даромад”; 9360 “Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан даромадлар”; 9370 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар даромадлари”; 9380 “Текин қайтарилмайдиган молиявий ёрдам”; 9390 “Бошқа операцион даромадлар”.	<b>392-банд:</b> Асосий фаолиятнинг бошқа тушумлари (даромадлари) тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади: <i>9310 “Асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришдан олинган тушум”;</i> <i>9320 “Бошқа активларни ҳисобдан чиқаришдан олинган тушум”;</i> 9330 “Ундирилган жарима, пеня ва устамалар”; 9340 “Ўтган йиллар фойдалари”; <i>9350 “Оператив ижарадан олинган тушум”;</i> <i>9360 “Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан тушум”;</i> <i>9370 “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар тушуми”;</i> 9380 “Текин қайтарилмайдиган молиявий ёрдам”; <i>9390 “Бошқа операцион тушумлар (даромадлар)”.</i>
1.	<b>410-банд:</b> Молиявий фаолият даромадлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади: 9510 “Роялти кўринишдаги даромадлар”; 9520 “Дивидендлар кўринишдаги даромадлар”; 9530 “Фоизлар кўринишдаги даромадлар”; 9540 “Валюталар курслари фарқидан даромадлар”; 9550 “Молиявий ижарадан даромадлар”; 9560 “Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар”; 9590 “Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари”.	<b>410-банд:</b> Молиявий фаолият бўйича тушумлар (даромадлар) тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади: <i>9510 “Роялти бўйича тушумлар”;</i> <i>9520 “Дивиденд бўйича тушумлар”;</i> <i>9530 “Фоизлар бўйича тушумлар”;</i> 9540 “Валюталар курслари фарқидан даромадлар”; 9550 “Молиявий ижарадан тушумлар”; 9560 “Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар”; <i>9590 “Молиявий фаолиятнинг бошқа тушумлари (даромадлари)”.</i>

Таклиф этилаётган тартиб бир вақтнинг ўзида “Молиявий натижалар тўғрисидаги” 2-сон ҳисобот шаклини тўлдириш тартибига ҳам мувофиқ келади. Шунингдек, мазкур таклиф этилаётган тартиб республикамизда бухгалтерия ҳисоби, жумладан молиявий натижаларни ҳисобга олиш тартибини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига янада мувофиқлаштириш, амалиётда молиявий натижаларни тўғри шакллантиришга хизмат қилади.

Туристтик корхоналарида молиявий натижаларни шакллантириш ва ҳисоботларни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 21-сон БҲМС “Хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома”нинг 376, 392, 410-бандларига қуйидагича ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тавсия этилди (6-жадвал).

Олиб борилган тадқиқотлар асосида Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 3-сон БҲМС “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар шакллантирилди (7-жадвал):

#### 7-жадвал

### Туристтик корхоналарида молиявий натижаларни шакллантириш бўйича 3-сон БҲМС га таклиф

№	Амалдаги таҳрир	Таклиф қилинаётган таҳрир
1.	<p><b>6-банд:</b> Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда қуйидагиларни очиб бериш зарур:</p> <p>6.1. Савдо-сотикдан тушган соф тушум.</p> <p>6.2. Савдо-сотикнинг ялпи молиявий натижалари.</p> <p>6.3. Асосий фаолиятдан келадиган бошқа операцион даромадлари ва харажатлари.</p> <p>6.4. Асосий хўжалик фаолияти молиявий натижалари (фойда ёки зарар).</p> <p>6.5. Молиявий фаолиятга доир бошқа даромадлар ва харажатлар.</p> <p>6.6. Хўжалик умумий фаолиятининг молиявий натижаси.</p> <p>6.7. Фавқулодда фойда ва зарарлар.</p> <p>6.8. Даромад солиғи тўлагунга қадар умумий молиявий натижалар (фойдалар ёки зарарлар).</p> <p>6.9. Ҳисобот давридаги соф фойда (зарар).</p>	<p><b>6-банд:</b> Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда қуйидагилар очиб берилди:</p> <p>6.1. <i>Маҳсулот (ишлар ва кўрсатилган хизматлар)ларни сотишдан соф тушум.</i></p> <p>6.2. <i>Маҳсулот (ишлар ва кўрсатилган хизматлар)ларнинг ялпи молиявий натижалари.</i></p> <p>6.3. <i>Асосий фаолиятдан келадиган бошқа операцион тушумлари (даромадлари) ва харажатлари.</i></p> <p>6.4. Асосий хўжалик фаолияти молиявий натижалари (фойда ёки зарар).</p> <p>6.5. <i>Молиявий фаолиятга доир бошқа тушумлар (даромадлар) ва харажатлар.</i></p> <p>6.6. Хўжалик умумий фаолиятининг молиявий натижаси.</p> <p>6.7. Фавқулодда фойда ва зарарлар.</p> <p>6.8. Даромад солиғи тўлагунга қадар умумий молиявий натижалар (фойдалар ёки зарарлар).</p> <p>6.9. Ҳисобот давридаги соф фойда (зарар).</p>

Молиявий натижаларни шакллантиришда халқаро стандартларга мувофиқ (15-сон МҲХС) “даромад” тушунчаси ўрнига “тушум” тушунчасини киритиш бўйича берилётган таклифга асосан, “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” 3-сон БҲМСда (6-банд)га ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш таклиф этилмоқда. Ушбу таклифларимиз амалдаги “Молиявий натижалар тўғрисидаги” 2-сон ҳисобот шаклини тўлдириш тартибига ҳам мувофиқ келади.

Тадқиқотлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 2-сон БҲМС “Асосий хўжалик фаолиятдан

тушган даромадлар”да келтирилган “даромад” тушунчаларини “тушум” сўзи билан алмаштириш мақсадга мувофиқ деб топилди. Ушбу стандартнинг 21-сон БХМС ва 3-сон БХМС билан ўзаро боғлиқлигини ва мувофиқлигини таъминлашга хизмат қилади (8-жадвал).

### 8-жадвал

#### Туристтик корхоналарида даромадлар тушунчасини такомиллаштириш мақсадида 2-сон БХМС “Асосий хўжалик фаолиятдан тушган даромадлар”га берилган таклиф

№	Амалдаги тахрир	Таклиф қилинаётган тахрир
1.	<u>Мақсад:</u> Стандартнинг мақсадида “даромад” тушунчаси келтириб ўтилади. Масалан, “Хўжалик фаолиятдан тушадиган даромад асосий, операцион ва молиявий фаолиятдан олинadиган даромадлардан иборат бўлади”	<u>Мақсад:</u> Стандартнинг мақсадида келтириб ўтилган “даромад” тушунчаси ўрнига “тушум” тушунчаси таклиф этилади. Масалан, “Хўжалик фаолиятдан тушадиган тушумлар асосий, операцион ва молиявий фаолиятдан олинadиган тушумлар (даромадлар)дан иборат бўлади”
2.	<u>Харакат соҳаси:</u> Ушбу стандарт хўжалик фаолиятининг қуйидаги соҳалардан олинган даромадларни ҳисобга олиш чоғида қўлланилади.	<u>Харакат соҳаси:</u> Ушбу стандарт хўжалик фаолиятининг қуйидаги соҳалардан олинган тушумлар (даромадлар)ни ҳисобга олиш чоғида қўлланилади.
3.	<u>Атамалар:</u> 6. Бу стандартда қўлланиладиган атамалар. 6.1. Асосий хўжалик фаолиятдан олинadиган даромадлар-хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолияти давомида вужудга келадиган давр ичида мулк эгаларининг ўз сармояларига бадали билан боғлиқ бўлган кўпайишларни истисно этганда, ўз сармояси кўпайишига олиб келадиган тушумлар.	<u>Атамалар:</u> 6. Бу стандартда қўлланиладиган атамалар. 6.1. Асосий хўжалик фаолиятдан олинadиган тушумлар (даромадлар) -хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолияти давомида мулк эгаларининг вужудга келадиган ўз сармояси кўпайишига олиб келадиган тушумлар (ўз сармояларига бадали билан боғлиқ бўлган кўпайишлардан ташқари).
4.	<u>Товарларни сотиш:</u> 12- банд. Қуйидаги шартлар бажарилганда товарларни сотишдан тушган даромад тан олинади:	<u>Маҳсулот (товарлар)ни сотиш:</u> 12- банд. Қуйидаги шартлар бажарилганда маҳсулот (товарлар)ни сотишдан тушган тушум (даромад) тан олинади:
5.	<u>Хизматлар кўрсатишдан:</u> 14- банд. Хизмат кўрсатишни (ишларни бажаришни) ўз ичига оладиган битим натижаси аниқ белгиланadиган бўлса, шу битим билан боғлиқ даромад йиллик молиявий ҳисобот тузиш вақтида битимнинг бажарилиши босқичига қараб тан олинади	<u>Хизматлар кўрсатишдан:</u> 14- банд. Хизмат кўрсатишни (ишларни бажаришни) ўз ичига оладиган битим билан боғлиқ тушум (даромад) йиллик молиявий ҳисобот тузиш вақтида битимнинг бажарилиши босқичига қараб тан олинади.
6.	<b><u>Фоизлар, роялтилар ва дивидендлар (бошқа даромадлар):</u></b> 20-банд. Активларни фоизлар, роялтилар ва бошқа даромадлар келтирувчи ўзга хўжалик юритувчи субъектларга фойдаланишга бериш натижасида олинган даромадлар қуйидаги ҳолларда ушбу БХМСнинг 21-бандига кўрсатилган асосда тан олинishi лозим.	<b><u>Фоизлар, роялтилар ва дивидендлар (бошқа тушумлар):</u></b> <i>20-банд. Активларни фоизлар, роялтилар ва бошқа тушум (даромад)лар келтирувчи хўжалик юритувчи субъектларга фойдаланишга бериш натижасида олинган тушум (даромад)лар қуйидаги ҳолларда тан олинishi лозим.</i>
7.	<b><u>Очиб кўрсатиш:</u></b> 23.2-банд Даромаднинг ҳисобот даври давомида акс эттирилган ҳар бир муҳим тоифаси миқдори, шу жумладан қуйидагилардан олинган даромадлар: 23.2.1. Товарларни сотишдан. 23.2.2. Хизмат кўрсатишдан. 23.2.3. Фоизлардан. 23.2.4. Роялтидан. 23.2.5. Дивидендлардан.	<b><u>Ҳисоботда очиб берилади:</u></b> <i>23.2-банд Тушум (даромад)нинг ҳисобот даври давомида акс эттирилган ҳар бир муҳим тоифаси миқдори, шу жумладан қуйидагилардан олинган тушум (даромад)лар:</i> <i>23.2.1. Маҳсулотларни сотишдан.</i> <i>23.2.2. Товарларни сотишдан.</i> <i>23.2.3. Хизмат кўрсатишдан.</i> <i>23.2.4. Фоизлардан.</i> <i>23.2.5. Роялтидан.</i> <i>23.2.6. Дивидендлардан.</i>

Диссертациянинг “Туристтик маҳсулотларни “харажатлар- маҳсулот-фойда” модели асосида таҳлил қилиш услубиёти” номли тўртинчи бобида

“Харажатлар-маҳсулот-фойда” модели асосида туристик маҳсулотлар зарарсизлиги, хавфсизлиги ва улар бўйича операцион дастак даражаларини турли кесимлар, йўналишлар ва мақсадларда аниқлаш ҳамда баҳолаш услубиётини такомиллаштириш, туристик корхоналарда фойда кўрсаткичларини “Директ-костинг” ва “Стандарт-кост” тизимлари асосида бошқарув мақсадларида таҳлил қилиш йўллари тадқиқ қилинган.

Туристтик ташкилотларда молиявий ҳисоб ва ҳисобот маълумотларига асосланиб ўтказилаётган молиявий таҳлил туристик маҳсулотлар бўйича даромадлар, харажатлар ва фойда кўрсаткичларини яхшилашнинг ички имкониятларини тўлиқ очиб бериш имконини бермайди. Бундай имкониятларга таҳлилнинг бошқарув мақсадларига қаратилган моделлари, чунончи таҳлилнинг “харажатлар-маҳсулот-фойда” модели (CVP модели), шунингдек ҳисобнинг “Директ-костинг” ва “Стандарт-кост” тизимларида шакллантириладиган молиявий ва бошқа ахборотлар (одатда меъёрий кўрсаткичлар) асосида ўтказиладиган “четланишлар таҳлили модели”ни қўллаш орқали эришиш мумкин. Ишимизда, туристик маҳсулотлар бошқарув таҳлилинини “харажатлар-маҳсулот-фойда” (CVP) модели асосида ташкил этишнинг мақсади, вазифалари, таркиби, унда қамраб олинadиган кўрсаткичлар тизими, эришиладиган натижалар белгиланди (9-жадвалга қarang).

#### 9-жадвал

#### Туристтик маҳсулотлар таҳлилининг “харажатлар-маҳсулот-фойда” (CVP) моделининг таркибий элементлари.

1. Тармоқ тавсифи		2. Корхона жорий фаолияти таҳлили	
Туризм бозорининг иқтисодий салоҳияти		Қабул қилинган фойда кўрсаткичи	
Туризм бозорининг ўсиши		Сотиш тавсифи (хусусиятлари)	
Туризм фаолиятида рақобатчилар		Фаолиятнинг натижавийлиги	
Туризм индустриясининг тенденцияси		Рақобатни таққослаш	
Бошқа омиллар			
3. Корхонанинг асосий стратегияси		4. Келгуси давр учун мақсад ва вазифалар	
Туризм корхонаси хавфсизлик нуктасини аниқлаш		Зарарсизлик ҳажмини аниқлаш	
Иқтисодий рақобатни баҳолаш		Зарур бўлган фойда миқдорини таъминловчи сотиш ҳажмини аниқлаш	
Соҳа фаолиятини прогнозлаш		Харажатлар таркиби ва ҳажмини аниқлаш	
		Мақсадли фойдани аниқлаш	
		Турмаҳсулотларга баҳо ўрнатиш бўйича маркетинг сиёсатини белгилаш ва бошқалар	
5. Олинган натижалар бўйича тузиладиган ҳисоботлар ва бюджетлар			
Туристтик маҳсулот	Ўтган йили	Жорий йил	Келгуси йил учун режа
Сотиш	XXXXX	XXXXX	XXXXX
Харажат	XXXXX	XXXXX	XXXXX
Фойда	XXXXX	XXXXX	XXXXX

**“Харажатлар- маҳсулот-фойда” (CVP) модели негизда туристик маҳсулотлар ҳажми, харажат ва фойда алоқадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш учун ишда қуйидаги алгоритмлардан фойдаланиш**

**ТАВСИЯ ЭТИЛДИ:**

1. Сотиш баҳосидаги тушум (Тсб)	=	Ўзгарувчан харажатлар (Ўх)	+	Доимий Харажатлар (Дх)	+	Фойда (Ф)
2. Маржинал даромад (Мд)	=	Сотиш баҳосидаги тушум (Тсб)	-	Ўзгарувчан харажатлар (Ўх)		
3. Фойда (Ф)	=	Маржинал даромад (Мд)	-	Доимий харажатлар (Дх)		
4. Маржинал даромад даражаси (Мдд)	=	Маржинал даромад (Мд)	:	Сотиш баҳосидаги тушум (Тсб)д		
5. Микдор бирликда зарарсизлик нуктаси	=	Доимий харажатлар	:	Баҳо – Бир бирликка тўғри келувчи ўзгарувчан харажатлар		
6. Пул бирликда зарарсизлик нуктаси	=	(Доимий харажатлар+Максадли фойда)*100%	:	Маржинал даромад даражаси, %		
7. Пул бирликда хавфсизлик нуктаси	=	Сотиш баҳосидаги тушум (Тсб)	-	Зарарсизлик нуктасидаги тушум (Тсбзн)		
8. Хавфсизлик маржаси, %	=	Пул бирлигидаги хавфсизлик нуктаси	:	Сотиш баҳосидаги тушум (Тсб)		
9. Операцион дастак	=	Фойданинг фоизли ўзгариши	:	Тушумнинг фоизли ўзгариши		

Ишимизда CVP модели асосида туристик компаниянинг зарарсизлик нуктаси, хавфсизлик даражаси, тушум ва фойда кўрсаткичларининг турли ўсиш даражаларидаги нисбатларини (операцион дастакни) юқоридаги алгоритмлар асосида баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллари “Grand Comfort travel» МЧЖнинг амалий материаллари асосида кўрсатиб берилди.

Шунингдек, турли фаоллик даражалари ва харажатларнинг “Директ-костинг” тизимига асосланган ушбу таҳлил натижалари бўйича молиявий натижалар кўрсаткичларини фойда ва зарарлар тўғрисидаги сегментар ҳисоботда акс эттириш тартиби очиқ берилди (10-жадвалга қаранг).

Таҳлил маълумотлари бўйича қуйидагиларни кўриш мумкин:

*1-вариантда* (бир дона туристик маҳсулот бўйича): ҳар бир қўшимча сотилган турпакет доимий харажатларни қоплаш учун зарур бўлган қўшимча 600 минг сўмни олиб келади ва ушбу маржинал даромад доимий харажатларни қоплашга йўналтирилади.

*2-вариантда* (Зарарсизлик нуктаси): зарарсизлик нуктасига етиш учун туристик компанияга йилига 200 та турпакетни сотишга эришиш талаб қилинади. Бу ҳолда туристик корхона жами 180000 минг сўм микдорида маржинал даромад олишга эришган бўлади ва ушбу маржа 180000 минг

сўмлик доимий харажатлар миқдорини тўлиқ қоплайди. Демак, 200 та турпутевкани сотиш туристик корхона учун зарарсизлик нуқтасини таъминлайди.

*3-вариантда* (Даромадлилик): турпакетларни сотиш ҳажмини 200 тага ошириш туристик компанияга маржинал даромадни 240000 мингга етказиш имконини беради. Бундай ҳолда, туристик компания 180000 минг сўмлик доимий харажатларни тўлиқ қоплашга ва 60000 минг сўмлик соф операцион фойда олишни таъминлайди.

#### 10-жадвал

### «Grand Comfort travel» МЧЖ туристик компаниясининг турли фаоллик даражалари ва харажатларнинг “Директ-костинг” тизимига асосланган ҳолда 2019 йил учун тузилган фойда ва зарарлар тўғрисидаги сегментар ҳисоботи

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	1-вариант <i>1 та турмаҳсулот</i>		2-вариант <i>300 та турмаҳсулот</i>		3-вариант <i>400 та турмаҳсулот</i>	
	Жами	1 та тур маҳсулотга	Жами	1 та тур маҳсулотга	Жами	1 та тур маҳсу- лотга
Сотишдан соф тушум	1500	1500	450000	1500	600000	1500
Ўзгарувчан харажатлар	900	900	270000	900	360000	900
Маржинал даромад	600	600	180000	600	240000	600
Доимий харажатлар	180000		180000		180000	
Соф операцион фойда (зарар)	-179400		0		60000	
Пул бирлигидаги зарарсизлик нуқтаси	-	-	450000		450000	
Хавфсизлик нуқтаси, минг сўм	200		0		150000	
Хавфсизлик даражаси, %	0-		0		40,0	

Юқорида келтирилган таҳлил маълумотлари фақат бир турдаги турпакетларга тегишлидир. Амалиётда турпакетлар туристик хизматлар турлари, уларнинг йўналишлари, турнинг давомийлиги ва бошқа жиҳатлари бўйича фаркланади.

Шу боис, зарарсизлик нуқтасини туристик компанияларда турли сегментлар бўйича аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Бошқарув ҳисоби ва таҳлилининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб келгуси йиллар учун фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот бюджети лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Ишимизда 11-жадвалдаги 3-вариантда келтирилган маълумотларни база сифатида олиш ҳамда келгуси 3 йилда (2020-2022 йиллар) турпакетларни сотиш ҳажмини ушбу базавий йилга нисбатан, мос равишда, 10 %, 15% ва 20 % миқдорида, доимий харажатларни шу йилларда ўртача 5 %га ўсишини эътиборга олган ҳолда фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот бюджетини тузиш тартиби «Grand Comfort travel» МЧЖнинг амалий

материаллари асосида очиб берилди (11-жадвалга қаранг).

**11-жадвал**

**«Grand Comfort travel» МЧЖ туристик компаниясининг турли фаоллик даражалари ва харажатларнинг “Директ-костинг” тизимига асосланган ҳолда келгуси 2020-2022 йилларга мўлжалланган фойда ва зарарлар тўғрисидаги сегментар ҳисоботи бюджети**

(МИНГ СЎМ)

Кўрсаткичлар	Келгуси 3 йилга бюджет кўрсаткичлари							
	Базовий йил 400 та турмаҳсулот		1-йил, ўсиш суръати 10% ёки 440 та турмаҳсулот		2 йил, ўсиш суръати 15 % ёки 460 та турмаҳсулот		3 йил, ўсиш суръати 20 % ёки 480 та турмаҳсулот	
	Жами	1 та тур маҳсулотга	Жами	1 та тур маҳсу- лотга	Жами	1 та тур маҳсу- лотга	Жами	1 та тур маҳсу- лотга
Сотишдан соф тушум	600000	1500	726000	1650	793500	1725	864000	1800
Ўзгарувчан харажатлар	360000	900	435600	990	476100	1035	518400	1080
Маржинал даромад	240000	600	290400	660	317400	690	345600	720
Доимий харажатлар	180000		189000		198450		208373	
Соф операцион фойда (зарар)	60000		101400		118950		137227	
Пул бирлигидаги зарарсизлик нуқтаси	450000		472500		496125		520933	
Хавфсизлик нуқтаси, минг сўм	150000		253500		297375		343067	
Хавфсизлик даражаси, %	40,0		34,9		37,5		39,7	
Операцион дастак, мартада	1		1,4		1,5		1,6	

Шундан қилиб, таҳлил натижаларидан хулоса қилиш мумкинки, туристик хизматлар бозорида рақобат муҳити борган сари авж олаётган ҳозирги шароитда турпакетлар нархини кескин ошириш эвазига туристик компаниялар фойдасини кўпайтириб бўлмайди, бунга асосан турмаҳсулотларнинг янги турлари ва йўналишларини яратиш ҳамда улар сифатини ошириш орқали кўпроқ туристларни жалб қилиш ҳисобидан эришиш мумкин бўлади.

**ХУЛОСА**

1. Туристтик маҳсулотлар ўзига хос тавсиф ва хусусиятларга эга бўлган миллий бойликнинг бир туридир. Пул бирликларида ўлчанадиган туристик маҳсулотлар тушунчасига биз томонимиздан берилган таъриф уларни ҳисоб ва таҳлил объектлари сифатида миқдор жиҳатдан ўлчаш ва сифат жиҳатдан тавсифлаш, ўлчаш ва ҳамда баҳолашга имкон беради. Туристтик

маҳсулотларни сотишдан олинган соф тушум тушунчасига берилган таъриф ушбу даромадларни туристларга кўрсатилган қандай хизмат турларидан олинганлигини, туристик маҳсулотлар таннархига берилган таъриф эса харажатларни айнан қандай хизматларга доирлигини ўзида ифода этади.

2. Туристтик маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш бўйича қилинадиган харажатларни биз томонимиздан тавсия этилган 12 та белгиси бўйича туркумлаш тартибини қўллаш туристик компанияларда тур маҳсулотлари таннархи тўғрисида атрофлича ахборотларни шакллантириш ва фойдаланувчилар тақдим этиш имкониятини беради.

3. Туристтик корхоналар учун асосий ишлаб чиқариш ва умумишлаб чиқариш харажатларининг яхлит таркиби махсус белгиланмаганлиги сабабли улар бир-биридан фарқли равишда ҳисобга олинмоқда. Туристтик компаниялар амалиётида умумишлаб чиқариш харажатларини бир йўналишдаги ёки битта турмаҳсулот таннархига олиб бориш ҳолатлари кўпроқ учрайди. Булар туристик компанияларда асосий ва умумишлаб чиқариш харажатларини туристик йўлланмалар (турпакетлар), туристик хизматлар турлари ўртасида тақсимлаш масалаларини ҳам ўз ечимини топмаганлигидан дарак беради. Биз томонимиздан ишлаб чиқилган “Туризм корхоналари учун харажатларни режалаштириш, ҳисобга олиш ҳамда молиявий натижаларини шакллантириш тартиби тўғрисида Низом”ни тармоқ субъектларида қўллаш туризм корхоналарида харажатларни тўғри туркумлаш ва уларни бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш, пировардида молиявий натижаларни яхлит тартибда шакллантиришга имкон беради.

4. Биз томонимиздан туристик ташкилотларда туристларга кўрсатиладиган автотранспорт хизматларига оид асосий харажатлар ҳисобланган материал, меҳнат ҳақи, автомобилларни суғурталаш ва улар учун тўланадиган лицензия тўловлари харажатларини турпакетлар ўртасида тақсимлашнинг мақбул бўлган мезонлари, ушбу тақсимотни бевосита ва билвосита усулларда ҳисоб-китоб қилиш тартиблари умумишлаб чиқариш (туроператорлик, турагентлик хизматлари) харажатларини адолатли тақсимлаш ва счётларда акс эттириш ҳамда турмаҳсулот таннархини аниқ калькуляция қилиш имкониятини беради ва соҳада молиявий натижаларни тўғри шакллантиришга хизмат қилади.

5. Республикамизда ханузгача турмаҳсулот сотиш қийматини аниқлашнинг яхлит алгоритми яратилмаган. Биз томонимиздан тавсия этилган арифметик формула асосида бир бирлик турпакет, шунингдек жами турпакетларнинг ҳам ҳақиқий, ҳам меъёрий (норматив) сотиш қийматини аниқлаш мумкин.

6. Бошқарув мақсадларида туристик ташкилотларда харажатлар бўйича ички сегментар ҳисоботни жавобгарлик объектлари (марказлари) бўйича тузиш катта аҳамият касб этади. Туристтик ташкилотларда жавобгарлик объектлари (марказлари) бўлиб бевосита алоҳида йўналишлар бўйича

туристларга тақдим этилаётган турпакетлар ҳисобланади. Ишимизда тавсия этилган сегментар ҳисобот ҳар бир турпакет кесимида меъёрий (норматив) ва ҳақиқий таннарх ҳамда улар ўртасидаги четланишлар тўғрисидаги ахборотларни ўзида мужассамлаштиради.

7. Республикамизда амалда бўлган айрим БХМСларда (№ 2,3,21) келтирилган “даромад” тушунчаларини “тушум” сўзи билан алмаштириш мақсадга мувофиқ. Бу республикамизда бухгалтерия ҳисоби, жумладан молиявий натижаларни ҳисобга олиш тартибини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига янада мувофиқлаштириш, амалиётда молиявий натижаларни тўғри шакллантиришга хизмат қилади.

8. Туристик ташкилотларда молиявий ҳисоб ва ҳисобот маълумотларига асосланиб ўтказилаётган молиявий таҳлил туристик маҳсулотлар бўйича даромадлар, харажатлар ва фойда кўрсаткичларини яхшилашнинг ички имкониятларини тўлиқ очиқ бериш имконини бермайди. Бундай имкониятларга таҳлилнинг бошқарув мақсадларига қаратилган моделлари, чунончи таҳлилнинг “харажатлар-маҳсулот-фойда” модели (CVP модели)ни қўллаш орқали эришиш мумкин. Биз томонимиздан тавсия этилган туристик масулотларни “ишлаб чиқариш, сотиш ва фойда” занжирида таҳлил қилиш модели изланишлар объекти ҳисобланган “Grand Comfort travel» МЧЖда 2019 йилда 200 та турпутевкани кўшимча сотиш унинг зарарсизлик нуқтасини таъминлашини, 400 та турпутевкани кўшимча сотиш эса унга 180000 минг сўмлик доимий харажатларини тўлиқ қоплашга ва 60000 минг сўмлик соф операцион фойдага эришганлигини кўрсатди.

9. Бошқарув ҳисоби ва таҳлилининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб келгуси йиллар учун фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот бюджети лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Биз томонимиздан изланиш объекти бўлган “Grand Comfort travel» МЧЖ материаллари асосида унинг 2020-2022 йиллар учун фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот бюджети ишлаб чиқилди. Унга кўра корхонада 2022 йилда зарарсизлик нуқтаси 521 миллион сўмни, хавфсизлик нуқтаси 343 миллион сўмни, хавфсизлик даражаси 40%ни, операцион дастак 1,6 мартани ташкил қилиши прогнозлаштирилди.

Илмий таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши мамлакатимизда стратегик соҳа мақоми берилган туризмни янада ривожланишига, соҳа субъектларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга, туристик хизматлар бозорида рақобат муҳити борган сари авж олаётган ҳозирги шароитда туристик компаниялар фойдасини кўпайтиришга хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.I.17.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
ТАШКЕНТСКОМ ФИНАНСОВОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ТЕМИРХАНОВА МУТАБАР ЖУРАЕВНА**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИЧЕСКИХ ОСНОВ УЧЕТА И  
АНАЛИЗА ТУРИСТИЧЕСКИХ ПРОДУКТОВ**

**08.00.08 – «Бухгалтерский учет, экономический анализ и аудит»**

**АВТОРЕФЕРАТ**  
**диссертации доктора экономических наук (Doctor of Science)**

**город Ташкент-2020 год**

Тема докторской диссертации (DSc) по экономическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2019.2.DSc/Iqt192.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном экономическом университете. Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) и информационно-образовательного портала «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

Научный консультант:

**Уразов Комил Бахрамович**  
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты:

**Каримов Ньматилла Фатхуллович**  
доктор экономических наук, профессор

**Курбанов Зият Ниязович**  
доктор экономических наук, профессор

**Аликулов Абдимўмин Исмаатович**  
доктор экономических наук, доцент

Ведущая организация:

**Ташкентский государственный аграрный университет**

Защита диссертации состоится 27 11 2020 г. в 1400 час. на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.1.17.01 по присуждению ученой степени при Ташкентском финансовом институте. Адрес: 100000, г.Ташкент, проспект Амира Темура, 60А. Тел: (99871)234-53-34, факс: (99871)234-11-48, e-mail: [ilmiykengash@tfi.uz](mailto:ilmiykengash@tfi.uz)

С диссертацией доктора наук (DSc) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского финансового института (регистрационный №\_\_\_). Адрес: 1000000, г.Ташкент, проспект Амира Темура, 60А. Тел.:(99871)234-53-34, факс:(99871)234-11-48, e-mail: [ilmiykengash@tfi.uz](mailto:ilmiykengash@tfi.uz)

Автореферат диссертации разослан 14 11 2020 года.

(протокол реестра № 43 от 14 11 2020 года



**Т.З.Тешабаев**  
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор экономических наук, профессор

**Н.Н.Каландарова**  
ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии по экономическим наукам, (Phd)

**Н.Н.Кузиев**  
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор экономических наук,(DSc) профессор

й

## ВВЕДЕНИЕ

(аннотация диссертации доктора (DSc) экономических наук)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Индустрия туризма становится одной из основных сфер экономики во многих развитых и развивающихся странах мира. По данным Всемирной туристской организации (ЮНВТО): «В настоящее время около 10 процентов мирового валового внутреннего продукта (ВВП), 9 процентов рабочих мест, 7 процентов общего экспорта и 30 процентов экспорта услуг приходится на туризм; согласно прогнозам, к 2028 году объем туристических продуктов в мировом масштабе достигнет 12,5 трлн долларов США, его доля в мировом ВВП составит 11,7%». Растущий спрос на туристические услуги отражается в диверсификации туристических продуктов, улучшении их качества и снижении себестоимости, повышении рентабельности и эффективности туристических компаний, совершенствовании всех организационно-экономических механизмов и рычагов, включая учет и экономический анализ в соответствии с современными требованиями, эффективное использование применяемого опыта в национальной экономике является актуальным.

В международной практике большое количество научных исследований посвящено совершенствованию организационно-экономических механизмов и рычагов развития туризма, включая методологическую основу учета и анализа туристических продуктов. В результате этих исследований собраны заслуживающие внимания научно-теоретические идеи и опыт по приведению в соответствие с международными стандартами учета и отчетности показателей доходности, затрат, себестоимости продаж и прибыли туристических услуг во многих странах мира, созданию современных моделей управленческого учета и анализа и применению их в туристических компаниях. Исследуемые сегодня области туризма находятся на разных уровнях, однако достигнутые на международном уровне результаты по их учету и анализу недостаточно раскрыты. Применение мирового опыта и знаний в отдельно взятых странах требует глубоких научных исследований в их отношении.

В соответствии со стратегией о дополнительных мерах по ускоренному развитию туризма в Узбекистане «определены приоритетные задачи, такие как превращение туризма в ведущий стратегический сектор экономики, увеличение к 2026 году доли туризма в валовом внутреннем продукте страны до 5 процентов, количества иностранных туристов до 9 млн. человек, а также, доходов от туризма до 2,2 млрд. долларов. Согласно официальным данным, появление и развитие множества новых видов туризма (паломнический туризм, социальный туризм, экотуризм, агротуризм, культурный туризм, региональный туризм и др.) , достижение доли туризма в ВВП страны 2,3%, количество туроператоров до 950, туристических и гостиничных комплексов - 914 свидетельствует о том, что учет и отчетность, аудиторские проверки в этих предприятиях в настоящее время осуществляются в соответствии с национальными и международными

стандартами. Достижение эффективной реализации этих приоритетных задач требует проведения глубоких научных исследований, направленных на совершенствование методологии полного приведения порядка признания, формирования, оценки, учета и анализа доходов по туристическим продуктам, составляющим содержание деятельности субъектов данной сферы, а также их себестоимости в соответствии с требованиями международных стандартов, организации сегментарного учета и отчетности производственных затрат и себестоимость туристского продукта, управленческого анализа туристского продукта.

Настоящее диссертационное исследование в значительной мере способствует решению задач, определенных в указах Президента Республики Узбекистан УП-5611 от 5 января 2019 года “О дополнительных мерах по ускоренному развитию туризма в Республике Узбекистан”, УП-5781 от 13 августа 2019 года “О мерах по дальнейшему развитию сферы туризма в Республике Узбекистан”, УП-5953 от 2 марта 2020 года “О Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год развития науки, просвещения и цифровой экономики»”, а также в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-4611 от 24 февраля 2020 года “О дополнительных мерах по переходу на международные стандарты финансовой отчетности” и других нормативно-правовых актах, относящихся к данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.** Научные исследования по решению научно-теоретических и методологических проблем учета и анализа туристических продуктов проводятся в ведущих мировых исследовательских центрах и университетах, в таких как The center for economic and business research (CEBR), American Institute of Certified Public Accountants (ACIPA), Harvard University, Columbia University, University of Chicago, University of California, Stanford University, Princeton University (США), Auditing Practices Committee, The Institute of Internal Auditors (IIA), PricewaterhouseCoopers, Ernst & Young, The Institute of Chartered Accountants in England and Wales – ICAEW, International Accounting Standards Board (IASB) (Великобритания), University of Calgary (Канада), Nagoya University, Kyoto University (Япония), Российский экономический университет.

По итогам научных исследований по совершенствованию методологических основ учета и анализа туристических продуктов был получен ряд научных результатов, в том числе: созданы теоретические и методические основы вопросов автоматизации, доходов и расходов с учетом расходов на услуги и порядка их включения в себестоимость, их

группировки, учетных данных и получения их из внешних источников (The center for economic and business research (CEBR)); разработана методика формирования финансовых результатов в сфере туризма (American Institute of Certified Public Accountants (ACIPA)); сформирована концепция совместимости доходов и расходов при создании туристических продуктов (Harvard University, Columbia University, University of Chicago, University of California, Stanford University, Princeton University (США)); усовершенствована методология информационного обеспечения доходов и расходов по основным видам деятельности в туристических компаниях (Auditing Practices Committee, The Institute of Internal Auditors (ИА)); усовершенствована методика определения платежеспособности туристических компаний, рентабельности туристской продукции и маржинальных доходов в отрасли (PricewaterhouseCoopers, Ernst & Young, The Institute of Chartered Accountants in England and Wales – ICAEW, International Accounting Standards Board (IASB) (Великобритания)); предложена методология адаптации форм финансовой отчетности к требованиям МСФО, а именно, составления отчета о прибыли и убытках на основе системы absorption costing, отчета о движении денежных средств прямыми и косвенными методами (University of Calgary (Канада)); определены доходные и затратные подходы к оценке стоимости туристических продуктов в соответствии с рыночной конъюнктурой и эффективность применяемых в них методов (Nagoya University, Kyoto University (Япония)); обоснованы пути практического применения порядка анализа показателей прибыли на туристических компаниях в управленческих целях на основе систем «Директ-костинг» и «Стандарт-кост» в качестве важного фактора развития цифровой экономики (Российский экономический университет).

Для совершенствования теоретических, организационных и методологических основ учета и анализа туристических продуктов в мире исследования ведутся по следующим приоритетным направлениям: совершенствование классификации затрат на производство туристского продукта, включенного в валовой внутренний продукт (ВВП) страны и калькуляции себестоимости туристского продукта; совершенствование методов распределения накладных производственных расходов туристических компаний между туристическими продуктами; бюджетирование доходов, себестоимости продаж и показателей прибыли в туризме на основе систем директ-костинг и стандарт-кост; совершенствование методики анализа точки безубыточности, безопасности, операционного рычага, прибыли и убытков по турпродуктам на основе современных методов управленческого анализа на туристических компаниях, повышение рентабельности в туризме на основе оптимизации затрат.

**Степень изученности проблемы.** Теоретические, организационные и методологические вопросы туризма как научной и практической деятельности были исследованы отечественными и зарубежными учеными, такими как Ф.Котлер, ДЖ.Боуэн, ДЖ.Мейкен, С.С.Скобкин, Е.Н. Ильина, Н.С. Морозова, М.Б. Биржаков, М.Р. Болтабоев, Ю.А.Матюхина,

